



Шариат талабига мувофик холда сўйилган чорва хайвонларидан олинадиган ширдондан фойдаланишнинг бирон-бир муаммоли томони йўқ. Лекин бугунги кунда бозорларимизга номусулмон мамлакатлардан кириб келаётган, таркибида корамол ширдони бўлган пишлоклар нихоятда кўп. Айни холат биз мусулмонлар мана шундай пишлокни истеъмол килсак бўладими ёки йўкми деган саволни келтириб чикармокда.

Таркибига ношаръий сўйилган хайвонлардан олинган ширдон кўшилган пишлок "Ал-Мугний" китобида (1/3) изох билан келтирилганига кўра, Имом Ахмад наздида жоиздир. Мусулмонлар мажусийлар ва улардан бошка номусулмонлардан олиб келтириладиган пишлокни истеъмол килишга одатланганлар.

Бу борада или ахли икки хил фикрдалар:

Жумхур (кўпчилик) уламоларнинг фикрига кўра, бундай ширдон нопокдир (Мурожаат учун манбалар: "Ал-Кавонийн ал-Фикхийах", 121-саҳифа; "Ал-Мажмуъ", 2/588; "Нихаятул-Мухтаж", 1/244; "Шарху Мунтахо ал-Иродот", 1/31; "Ал-Инсоф", 92/1; "Ал-Икноъ", 1/1). Улар унинг нопок эканига сабаб килиб бундай ширдон олинадиган жой -

ношаръий сўйилган хайвон ошкозонининг нопок эканини айтишади. Уларнинг сўзларида караганда, ўз аслига кўра окувчи бўлган модда (суюклиқ) нопок нарсага текканида ўзи хам нопокка айланади. Имом Нававий шундай деганлар: "Бу хайвоннинг бир аъзосидир. Шундай экан, у хайвоннинг колган барча аъзолари каби нопокdir".

Бошка бир фикрга кўра, бу каби ширдон покдир. Бу фикр Умар, Салмон Форсий, Талха, Хусайн ибн Али ва бошка бир ганча сахобий ва тобеинлардан ривоят килинган. Шунингдек, Ханафий мазхаби, Имом Ахмаддан бўлган бир ривоят ва Ибн Таймийянинг фикрлари хам шундай (Мурожаат учун манбалар: "Бадоеъ-ус-Саноеъ", 1/63; "Ал-Бахур-Роик", 1/112; "Табийинул-Хакоик", 1/26; Ал-Жассоснинг "Ихкомул-Куръон" и, 1/168; "Ал-Мабсут", 24/27-28; "Мажмуъул-Фатово", 21/102).

"Ал-Мугний" номли китобларида Ибн Кудома шундай деб ёзадилар: "Кимдир Имом Ахмаддан пишлок хакида сўради. Шунда Имом шундай жавоб килдилар: "Унинг исталганидан (шаръий ёки ношаръий сўйилган хайвоннинг ширдони кўшилганидан - тарж.) ейишинг мумкин". Бирок, у киши мажусийлар тайёрлайдиган пишлок хакида сўралганларида: "Мен билмайман. Лекин Аъмашдан ривоят килинган бир сахих хадисда Амр ибн Шархабийл: "Умар ношаръий сўйилган хайвон ширдони ва у кўшилган пишлок хакида сўралдилар. Умар у кишига Аллоҳ номини зикр этишни, сўнг эса уни ейиши буюрдилар" деган", - деб айтдилар".

Улар хужжат килиб куйидагиларни келтиришади:

1. Ибн Абу Шайба (5/130) ва Абдур-Раззок (4/538) томонидан юкарида зикр этилган Аъмаш оркали ривоят килинган хадис. Ушбу хадиснинг санади мутлако сахихдир. Имом Ахмад: "Бу айни мавзудаги энг тўгри хадисдир", деб айтганлар;
2. Ибн Абу Шайбанинг ривояти (5/131). Унга кўра, Талха ўз пичокларини пишлок устига кўйиб, Аллоҳ исмини зикр этар, сўнг уни кесиб ер эдилар. Бу хам санади сахих хадисдир;
3. Ибн Абу Шайбанинг Вакиъ оркали килган ривояти. Унга кўра, Хасан ибн Алий пишлок хакида сўралдилар. У киши шундай жавоб килдилар: "Бу жоиз, факат унинг устига пичокни кўй, Аллоҳ номини зикр эт, кейин еявер". Ушбу асарнинг Жахш ибн Зайддан бошка барча ровийлари ишончли кишилардир;
4. Имом Термизий (1726-хадис) ва Ибн Можжах (3367-хадис) ривоятлари: "Бизга Исмоил ибн Мусо ал-Фазарийнинг Салмон (Форсий) дан ривоят килишича, Пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва салламдан эритилган ёғ (одатда сигир сутидан тайёрланади), пишлок ва тери хакида сўралди. У киши шундай деб жавоб бердилар: "Халол нарсалар Аллоҳнинг Китобида халол деб зикр килинган нарсалардир. Харом нарсалар хам Аллоҳнинг Китобида харом деб зикр килинган нарсалардир. У ерда зикр этилмаган нарсалар эса мубоҳ нарсалардир"". Бу хадис заиф. Ибн Абу Шайба ўзининг "Ал-Мусаннаф" номли китобида келтиришича (8/98), у киши Вакиъдан Салмон Форсийнинг ходими Сувайийид оркали эшитган хабарда шундай дейилади: "Биз Мадоин жангидаги галиб бўлганимиздан сўнг Салмон айтдилар: "Биз ичидаги тўрт бўлак ажойиб нони, пишлок ва бир пичок бўлган сават топиб олдик. Кейин Салмон пичокни олдилар ва пишлокни кесдилар. Сўнг эса: "Аллоҳнинг номини зикр кил ва е", - дедилар". Бу хадиснинг санади заиф.

5. Улар айтадиларки, сут ва ширдон хайвон ўлганидан сўнг нопок бўлмайди ва тирик жонивордан олинган хар кандай нарса ўлимтик хукмидадир. Шундай экан, мазкур ўринларда сут халол бўлгани каби ширдон хам халолдир.

Ибн Таймийя айтадилар: Ношаръий сўйилган хайвоннинг сути ва ширдонаи борасида уламолардан икки хил сўз бор. Бирига кўра, у халолдир. Бу сўзга Абу Ханифа ва у кишидан бошкалар юришган, жумладан, Имом Ахмаддан килинган бир ривоят хам шунга мувофик. Бошка сўзга кўра, у нопокдир. Бу Молик, Шофеъийнинг сўзлари бўлиб, бунга Имом Ахмаддан ривоят килинган бошка фикр хам мувофик келади.

Ушбу ихтилоф сўйиган жонликлари бутунлай ношаръий эканига билиттифок бўлинган мажусийлардан олиб келинган пишлок борасида юзага келди. Модомики, ношаръий сўйилган хайвонларнинг сути халол экан, сахобийлар хам Ирок жангидан сўнг уларнинг пишлогидан еган эканлар, мен уларнинг пишлокларини халол деб биламан. Бу нарса бизга ўша замонлардан сахих ривоятлар билан етиб келган.

Баъзи хижозликлар пишлокни хуш кўрмайдилар деган заиф ривоятлар бор, бирок улар ишончли эмас. Ирок халки бу борада бошкалардан кўра ишончлироқдирлар. Чунки улар ўша ерда яшайдилар ва мажусийларни бевосита биладилар. Салмон Форсий хазрати Умарнинг ўша минтакадаги волийлари бўлганлар ва у киши мажусийларнинг пишлогини халол деб билганлар.

Энди агар "окувчи нарса нопок жойга тегса - нопокка айланади" деган далилга келсак, бизнинг бу борадаги жавобимиз шуки, окувчи нарсанинг пок экани суннатдан маълум. Яна шуни хам айтамизки, гарчи у нопок жойга тегса хам зарари йўк. Аллоҳ айтади: "Дарвокеъ, сизлар учун чорва хайвонларида хам ибрат бордир: сизларни уларнинг коринларидағи нажосат ва кон ораларидан чикувчи, (лекин) ичувчилар учун иштахали тоза сут билан сугуармиз". ("Нахл" сураси, 66-оят.) Мана шунга кўра ёш боланинг танасида нима бор-йўклигидан катъий назар, ибодат вактида уни кўтариб туриш хам жоиз бўлади. Аллоҳ яхширок билувчидир.

Юкоридаги далиллар эътибори билан мен пишлок ейишни жоиз деб биламан. Гарчи унга кўшилган ширдон ношаръий сўйилган жонликдан олинган бўлса хам, зарари йўқдир.

Аллоҳ яхширок билувчи Зотдир.

Шайх Салмон ал-Авда
(Саудия Арабистони)